

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

МТБТ – 15 ГУРУҲ

УРМОНОВА НОДИРАХОН ҚОСИМЖОНОВНАНИНГ

**МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ
ФАНИДАН ТАЙЁРЛАГАН**

МУСТАҚИЛ ИШИ

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ВА ЁШ АВЛОД СОҲАСИДАГИ ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАР.

РЕЖА:

1. Узлукиз таълим тизимининг ҳаётга тадбиқ этилиши.
2. Таълим тизимида эришилган ютуқлар.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни ва аҳамияти.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётга тадбиқ этилиши.

Давлатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов энг аввало ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан бошлади. Собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалардан биринчи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисидаги” Қонунини тасдиқлади.

Бу дастурда таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари анқ ва равшан белгилаб берилган. Шунингдек, асосий қонун Ўзбекистон Конституцияси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатларини ўзига акс эттирди. Конституциянинг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари назоратидадир”.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 1997 йилга келиб, таълим тарбия тизимидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳим дастурий ҳужжатларни қабул қилиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Шу боис тез кунларда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”и тузиш комиссияси ташкил этилиб, унга Ютрбошимиз бевосита ўзи раҳбарлик қилган.

Шу сабали **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”**да бу масалаларга алоҳида эътибор берилган ҳамда қуйидаги босқичларга бўлинган ва улар қуйидагилардан иборат:

1. **Мактабгача таълим.** 3 ёшдан бошланиб, 6-7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади.
2. **Бошланғич таълим.** 1-4 синфгача бўлган даврни ўз ичига олади.
3. **Умумий таълим.** 5-9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

4. **Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими.** Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмага академик лицей ва касб ҳунар коллежларида таълим берилади

5. **Олий мутахассислик таълими.** Бу таълим 18-19 ёшдан бошлани у 4 йил давомида амалга оширилади. Олий мутахассислик таълими **бакалаврият** ва **магистратура** босқичини ўз ичига олади. Бакалаврият йўналиши 4 йил давом этиб, унда олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломи берилади. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича 2 йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш натижасида якунланади.

Ҳозирги кунда якунловчи босқич **докторантура** қолган. Докторан-тура фан номзоди илмий даражаси негизида ёки магистратура негизида 3 йил давом этади ва диссертация ҳимоя қилиш натижасида танланган мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаи берилади.

Булардан ташқари янги тизимда касбий таълим **қайта тайёрлаш ва малака ошириш** малакасига катта ўтибор қаратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки 3 йиллик касб ҳунар коллежлари, академик лицейлар таълим тизимини яратиш билан биргаликда буларнинг ҳаммасини замонавий ўқув ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган ҳамда янги таълим стандартлари ва ахборот технологиялари, интерактив усулларни ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 февралдаги “Академик лицейлар ва касб ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли қарори натижасида мамлакатимизда 712 та касбни ўз ичига оладиган 268 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланиб келмоқда.

2009 йилдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мажбурий хусусиятга эга бўлди.

Ўқувчи ёшлар ихтиёрий равишда ўз қизиқишлари ва қобилиятлари бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш имкониятларига эга бўлдилар. Бу ишлар Ўзбекистоннинг ҳамма ёшларининг ютуқлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов шундай деган:

“Билимдон, профессионал томондан саводли ҳамда ғайрат шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпар-варларни тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган, мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин”.

Таълим тизимида эришилган ютуқлар.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меvasи сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган, ўз фикрини она тилада равон ва лўнда ифода этадиган янги мутахассислар авлодини кўрганмизда ҳаммамизни ҳам қалбимиз ифтихор ва туйғуларга тўлади.

Президентимизнинг домий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимиз жаҳондаги нуфузли университетлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бунинг натижасида Буюк Юританиянинг Халқаро Вестменистер университет иш бошлаган. И.Губкин номидаги Россия нефт ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги

Москва давлат университети, Коррея Республикаси Инха универ-ситетининг Тошкент шаҳри-даги филиаллари ташкил этилган. Бу олий ўқув юртларида ўзимизнинг юзлаб иқтидорли ёшларимиз таълим олмакда.

Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўна-лишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошланганлиги эътиборга сазовордир.

Юртимизда ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмакда ва ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажрибалар алмашилиш йўлга қўйилгани биз учун катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, конференциялар ва семинарлар ўрқазиляпти.

Бундан ташқари таълим тизимида спорт ва жисмоний ривожланишга катта эътибор қаратилган.Шу мақсадда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги “”Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари спорт тизимини ривожлантиришга хизмат қилиб келяпти. Бу жамғарма ташкил этилгандан буён унинг маблағлари ҳисобидан 1500 та энг замонавий болалар спорт объектлари ташкил этилди. Ёш авлодни она юртимизга юрт садоқати руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида 3 босқичли мусобақалар тизими тузилган.

Булардан:

- 1. Умид ниҳоллари.**
- 2. Баркамол авлод.**

3. Универсиада.

Бу спорт ўйинларига биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари битирувчилари-гача ёш авлоднинг барча вакиллари камраб олган.

Дунёда ўхшаши йўқ бу ноёб тизим фарзандларимизни фойдали ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялашда спорт уларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни ва аҳамияти.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республика Мустақиллининг биринчи кунлариданоқ мамлакатнинг истикболдаги тақдири кадрларга боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратган. Президентимиз ўз сўзларида “Биз ўтган йиллар давомида тўплаган тажриба ва билимларимиздан фойдаланиб, маълум марра етиб келдик. Ислохотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёғига олға силжишларимиз тобора қийин муаммоларга бориб тақалиши мумкин: у ҳам бўлса, юксак малакали ходимларнинг етишмаслигидир. Шунинг учун яхши англашимиз керакки, энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас, янги билимларни эгалламасдан туриб бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз” – деб уқтиради. Шундай қилиб мамлакатимизда ривожланишнинг дастлабки йилларида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” амалга оширилди. Бу дастур асосида кадрлар тайёрлаш масаласи ва уни ҳал қилиш борасида ўтказилган ҳар қандай сиёсат мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий алоқий, мафкуравий муҳофаа муҳофаза ва бошқа соҳаларини уйғун ва мустақил фаолиятини таъминлаб олиб борилди.

Кадрларни тайёрлаш тарбиялаш ва улардан фойдаланишнинг илмий назарий ва услубий жиҳатлари пухта ва аниқ ривожлантирилди. Мустақилликгача бўлган даврда ягона мафкура ҳукмронлиги остидаги

педагогик тизим шароитда яшадик, фаолиятимизни собиқ марказдан юборилган тавсиялар асосида ташкил этилган. Келажакда шахс манфаатлари ва уларнинг маънавий эҳтиёжлари мактаб деворлари ортида қолди. Амалда мактаб битта йўналишга коммунистик мафкурани мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Педагогик ижод она тили, Ватан тарихи, географияси, табиати, миллий урф одатлари анъаналари маънавият ва кадриятларни ўз ўқувчиларига ўргатишдан деярли маҳрум этилган эди. Ўқитувчи уна буюрилганларнигина ўргатувчига айланди. Таълим тарбия ишларининг 70 йил давомида шаклланиб қолган ана шу иллатлардан халос қилиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг туб моҳиятини ташкил қилди. “Агар ҳақиқатдан ҳам қашшоқлик ва қаллоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замо-навий касбни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу касбда хассислик ярамайди”. Шундан сўнг таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш мақсадида дав-лат томонидан кенг қамровли чора тадбирлар изчил амалга оширила бошланди.

ХУЛОСА

Малакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шу жумладан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг имкониятлари ёшларга кенг йўл очиб берди. Ёш иқтидорли талабалар чет тилларни ўрганиб, чет эл олий таълимларида таҳсил олмоқдалар, замонавий ахборот технологиялари ривожланганлиги муносабати билан ёшларга бу технологиялардан кенг имкониятлар яратиб берилган. Президентимиз 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги фармонлари спорт тизимини ривожлантиришга хизмат қилиб келяпти. Мамлакатимизда ёшларга спорт соҳасида ҳам катта имкониятлар яратиб берди. Президентимизнинг бу саъй ҳаракатлари Ўзбекистон ёшлари учун катта ютуқлар олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баркамол авлод орзуси.- “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000.
2. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида “Маърифат”. 1997. 15 март.
3. Олий таълим. “Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Шарқ. 2001. 3 – 4 бет.
4. С.Отамуратов, О.О.Сирожов, Ҳ.О.Ёрқулов, Д.Исматуллаева, А.Қиличев. “Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш стратегияси”. Тошкент. 2014.